

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУББАЕВ МУРОДИЛЛА МАРУФОВИЧ

**ТАЛАБАЛАРДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОЛЕРАНТЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭТНОПЕДАГОГИК АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(нофилолог таълим йўналишлари мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of
Philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Якуббаев Муродилла Маруфович

Талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг
этнопедагогик асосларини такомиллаштириш (нофилолог таълим
йўналишлари мисолида) 3

Якуббаев Муродилла Маруфович

Совершенствование этнопедагогических основ развития межнациональной
толерантности у студентов (на примере нефилологических образовательных
направлений) 23

Yakubbaev Murodilla Marufovich

Improving the ethnopedagogical fundamentals of developing international
tolerance in students (in the example of non philological educational
departments) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУББАЕВ МУРОДИЛЛА МАРУФОВИЧ

**ТАЛАБАЛАРДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОЛЕРАНТЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭТНОПЕДАГОГИК АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(нофилолог таълим йўналишлари мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Атгестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped1317 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжаев Бегзод Худайбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кадырова Фатима Рашидовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Абдуллаева Насиба Жўраевна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Тел.: (998-69) 228-85-01; факс: (99869) 228-85-02; e-mail: info@namdu.uz)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ да _____ - рақамли реестр баённомаси).

С. Т. Турғунов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.К.Хужамбердиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Т.А.Эгамбердиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида фалсафа, хорижий тилларни ўқитиш, таржима назарияси, педагогика, психология, жамиятшунослик каби соҳаларда таълим олувчиларнинг шахслараро ва маданиятлараро мулоқоти, шунингдек, миллатлараро толерантлик руҳини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрда бўлиб ўтган 72-сессиясида илгари сурилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясида диний бағрикенглик, миллатлараро толерантлик, ўзга миллат вакиллариغا ҳурмат ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик алоҳида белгилаб қўйилган. Бу эса, узлуксиз таълим тизимида, жумладан, олий таълим муассасаларининг нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг этнопедагогик асосларини такомиллаштириш, этнопедагогик технологиялар асосида талабаларда толерантлик фазилатини таркиб топтиришни тақозо этади.

Дунёда талабаларда ижтимоий-маданий компетентликни таркиб топтиришнинг педагогик омилларини аниқлаштириш орқали касбий етукликни ривожлантириш, антропологик ёндашув асосида талабаларда миллатлараро толерантликни тарбиялашнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, талабаларда инсонпарварлик, миллатлараро мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш, таълим олувчиларда миллатлараро толерантлик компетенциясини таркиб топтиришнинг ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштириш ҳамда лингвомаданиятшунослик ёндашуви асосида талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш, ўқув материалларини танлашда маданият билан уйғунлик йўналишидаги тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда олий таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида сифат жиҳатдан ривожлантириш, талабаларда миллатлараро мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини замонавий шарт-шароитлар асосида аниқлаштириш, этнопедагогик технологиялар асосида талабаларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

миллатлараро толерантликни ривожлантириш-нинг этнопедагогик асосини такомиллаштириш, миллатлараро толерант-ликни ривожлантиришнинг тузилмасини рефлексивлик, мослашувчанлик ва ўз-ўзига ишонч каби толерантликнинг кўрсаткичлари ҳисобга олиш асосида такомиллаштириш юзасидан тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда таълим жараёнининг турли босқичларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш масалалари педагог олимлар Г.Акрамова, Г.Арипова, Л.Аҳмедова, Ж.Жалолов, Ф.Р.Кадырова, У.Кушаев, Г.Кушакова, Ф.Мардонова, Г.Маҳкамова, Р.Муртазаева, Д.Саматов, Ш.Убайдуллаев, М.Хажиева, З.Р.Қодирова, М.Қуроноф, А.Шариповлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида таълим олувчиларда миллатлараро толерантликни шакллантириш муаммоси А.Асмолов, А.Байбаков, Г.Бардиер, Р.Валитова, Г.Волков, В.Золотухин, З.Исмагилова, В.Лекторский, Н.Платонова, Г.Солдатоваларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритиб берилган.

Хорижлик олимлар J.Alstete, A.Appleby, E.Bender, H.Bonnie, R.Cote, M.L.Crepaz, Emerson P.Doyle, D.Goleman, D.Green, D.Hans, J.Mayer, S.Marginson, S.Mendus, J.Newman, P.Nicolson, C.Parinaud, D.Regan, D.Roger, Thiam Chye Tay, M.Wende, R.Wolff, германиялик олимлардан A.Beelmann, Kai J.Jonas, R.Forst, K.Ladeur, U.Zwienerларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Юқорида келтирилган илмий изланишларда миллатлараро толерантликнинг баъзи соҳаларда ривожлантирилиши кўрсатилган бўлсада,

нофилологик таълим йўналиши талабаларида чет тил амалий машғулоти жараёнида ривожлантириш муаммоси доирасида махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Бизгача амалга оширилган тадқиқотларни таҳлил қилиш асосида нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш зарурати билан педагогик амалиётда мазкур талабни қондиришга хизмат қиладиган педагогик механизм ўртасида қарама-қаршиликнинг мавжудлиги, таълим-тарбия жараёнида матн билан ишлашнинг этнопедагогик асосларини такомиллаштириш лозимлиги аниқланди. Бу эса, нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг этнопедагогик асосларини такомиллаштиришга доир илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 561624-ЕРР. “Ўзбекистон олий таълими жараёнини модернизациялаш ва халқаролашувини ривожлантириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг этнопедагогик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллатлараро толерантлик тушунчаси моҳиятини ёритиб бериш орқали талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг тузилмасини аниқлаштириш;

этнопедагогик материаллар асосида талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг алгоритмик босқичларини аниқлаш;

талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантириш жараёнларининг моделини ишлаб чиқиш;

талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг этнопедагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасалари нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш жараёнлари.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасалари нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш мазмуни, модели ва этнопедагогик шарт-шароитлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таҳлил, педагогик кузатув, суҳбат, моделлаштириш, лойиҳалаштириш, таҳхис, педагогик тажриба-синов, маълумотларни мужассамлаштириш, таққослаш, солиштириш, эксперт баҳолаш, умумлаштириш ва статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

рефлексивлик, масъулият ҳисси, мослашувчанлик, ўз-ўзига ишонч, эмпатия каби толерантликнинг кўрсаткичлари когнитив, ҳиссий-эмоционал, хулқ-атворга доир компонентлар билан горизонтал ва вертикал муносабатга киришиш даражаси оптималлигини ҳисобга олиш асосида талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг тузилмаси такомиллаштирилган;

чет тилларни ўқитишда тили ўрганилаётган мамлакат маданияти билан бошқа миллий маданиятлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш, муаммоли вазиятларни яратишга доир субъектлар универсал ҳаракатларининг таксономик намоён бўлиши такрорийлигини таъминлаш орқали этнопедагогик материаллар асосида талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантириш алгоритми такомиллаштирилган;

минтақавий географик материаллар, турли маданият вакилига муносабатни тавсифловчи топшириқлар, машқлар, диалогик муносабат ва коммуникатив хатти-ҳаракатларни ифода этувчи вазиятларни мулоқот маданияти тизими билан ички интеграциясини ҳисобга олиш асосида талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантириш жараёнлари моделининг мазмунга доир компоненти такомиллаштирилган;

шахслараро мулоқотда миллатлараро толерантликнинг намоён бўлиши, тили ўрганилаётган мамлакат маданияти элементларини таълим олувчилар томонидан мустақил танлаш ва ўзлаштириш бўйича қулай таълимий муҳит барқарорлигини таъминлаш асосида талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг этнопедагогик шартлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришга доир этнопедагогик тавсифга эга ўқув материаллари тизимлаштирилган;

нофилологик таълим йўналиши талабалари учун “Чет тил” фанидан интерактив ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқилган;

“Wirtschaftsdeutsch”, “Deutsch als Fremdsprache” номли услубий қўлланмалар ва “Das grammatische Übungsbuch” номли грамматик машқлар тўплами ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилаётган муаммони кенг кўламда очиқ беришда яхлит илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, предмети ҳамда педагогик вазифалар моҳиятига мувофиқ тадқиқот методларининг танланганлиги, тажриба-синов ишларига жалб этилган респондентлар сонининг талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов ишларининг статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик-статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги, дастлабки назарий тамойилларнинг изчиллиги, тажриба-синов иш натижалари бўйича асосий назарий таклифларни амалий тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг аниқ методлар ёрдамида текширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантиришга йўналтирилган этнопедагогик тизимнинг ўзига хос жиҳатлари, назарий асосларининг аниқлаштирилганлиги, нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантиришга доир компетенцияларнинг аниқланганлиги, нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг ижтимоийлашув билан алоқадорлигининг очиб берилганлиги, миллатлараро толерантликни ривожлантириш жараёнида олий таълим муассасаларида чет тил фанидан фойдаланиш имкониятларининг ёритилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантиришга доир ўқув вазиятлари лойиҳалаштирилгани, миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг интерфаол технологиялари такомиллаштирилгани, шунингдек, замонавий ўқув амалиётининг муаммоларига янги педагогик ечимларни излаш, “Чет тил” фанини ўқитиш жараёнида нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш моделининг такомиллаштирилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг этнопедагогик асосларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

рефлексивлик, масъулият ҳисси, мослашувчанлик, ўз-ўзига ишонч, эмпатия каби толерантликнинг кўрсаткичларини когнитив, ҳиссий-эмоционал, хулқ-атворга доир компонентлар билан горизонтал ва вертикал муносабатга киришиш даражаси оптималлигини ҳисобга олиш асосида талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг тузилмасини такомиллаштиришга доир таклифлардан 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 ноябрдаги 89-03-4446-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришга оид фанлараро ва хусусий компетенциялар тизими такомиллаштирилган;

чет тилларни ўқитишда тили ўрганилаётган мамлакат маданияти билан бошқа миллий маданиятлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш, этнопедагогик материаллар асосида талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантириш алгоритми такомиллаштириш, минтақавий географик материаллар, турли маданият вакилига муносабатни тавсифловчи топшириқлар, машқлар, диалогик муносабат ва коммуникатив хатти-харакатларни ифода этувчи вазиятларни мулоқот маданияти тизими билан ички интеграциясини ҳисобга олишга доир таклиф ва тавсиялардан ПЗ-20170930223. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” (2018-2020 йй.) ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2020 йил 5 ноябрдаги 89-03-4446-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришга доир этнопедагогик тавсифдаги ўқув материаллари орқали чет тилларни ўқитиш жараёнлари самарадорлиги оширишига хизмат қилган;

шахслараро мулоқотда миллатлараро толерантликнинг намоён бўлиши, тили ўрганилаётган мамлакат маданияти элементларини таълим олувчилар томонидан мустақил танлаш ва ўзлаштириш бўйича қулай таълимий муҳит барқарорлигини таъминлаш асосида талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг этнопедагогик шартларини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 561624-EPP-1-UK-EPPKA2-CBHE-SP-ERASMUS+CBHE. “Ўзбекистон олий таълими жараёнини модернизациялаш ва халқаролашувини ривожлантириш” (2015-2018 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 ноябрдаги 89-03-4446-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантириш жараёнларига лингвомаданий ёндашувни татбиқ этиш механизмлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (хорижий журналда 2 та, республика журналларида 3 та) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 124 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқлаб олинган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги, талабаларда миллатлараро толерантликни

ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, муаммонинг назария ва амалиётдаги ҳолати ёритиб берилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб, бағрикенглик анъаналари муҳим кадрият сифатида тан олинган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишида “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш” каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Толерантлик бу бошқаларнинг фикри, қарашлари ва хатти-ҳаракатлари, этник ҳамда ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ўзаро тушуниш учун турли маданий, миллий, диний ёки ижтимоий одамлар билан ижобий ўзаро муносабат учун толерантликка нисбатан фаол ахлоқий позиция ва рухий тайёрликдир.

Толерантлик ғояси, ҳатто, қадимги даврлардан мавжуд бўлиб, у биринчи диний озчиликларга бўлган муносабат муаммосини ҳал қилиш учун хизмат қилган. Аста-секин миллатлараро толерантлик, садоқат, бошқа миллат, элат, халқларнинг урф-одати, маданияти, дини, эътиқоди ва қарашларига ҳурмат каби инсоний тамойиллар билан бойиб борган.

“Миллатлараро толерантлик” тушунчасининг моҳияти барча миллат ва элатлар томонидан тўпланган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъана ҳамда кадриятларни ривожлантириш ва сақлаб қолишда ўз аксини топади.

З.Исмагилова миллатлараро толерантликка қуйидагича таъриф берган: “Миллатлараро толерантлик – бағрикенглик ва бошқа одамларнинг фикрларига ҳурмат, инсоннинг ахлоқий фазилати, маданий мулоқотнинг муваффақиятига ҳисса қўшадиган ва турли хил ижтимоий, маданий гуруҳлар ёки уларнинг вакиллари билан маданиятлараро қарама-қаршиликлардан қочиш сифатида қаралади”.

Миллатлараро толерантлик бошқа миллат вакилларига нисбатан ҳурмат, меҳр-муҳаббат, шафқат ва ғамхўрлик демакдир. Нофилологик таълим йўналиши талабаларининг бошқа миллат вакилларига нисбатан қабул қилиб бўладиган ва тоқат қилиб бўлмайдиган муносабатлари бир қатор ҳиссий жиҳатларига эга. Шунинг учун ҳам, нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро мулоқот кўникмаларини шакллантиришда дастлаб миллий толерантликни таркиб топтириш тақозо этилади.

Маълумки, шахслараро муносабатларда толерантлик, яъни ўзгалар фикрига нисбатан тоқатлилиқ коммуникатив хатти-ҳаракатларнинг турли моделлари сифатида намоён бўлади, шунингдек, эмпатия, мослашувчанлик ҳамда танқидий фикрлаш ва хулқ-атворда кескинликнинг йўқлиги билан ажралиб туради. Бу эса когнитивлик, ҳиссий-эмоционаллик ва хулқ-атворни толерантликнинг асосий компонентлари сифатида белгилаб олиш имконини берди.

Толерантликнинг когнитив компоненти инсон томонидан ҳаётий воқеликнинг мураккаблиги, кўп қиррали эканлиги, уни турли одамлар томонидан идрок этиш, тушуниш ва қадрлашнинг ўзгарувчанлигини, шунингдек, ўзлари ҳақида, бошқа одамлар, шу жумладан, мулоқот жараёнида шериклар ҳақидаги ўз фикрларининг нисбийлиги ҳамда субъективлигини тан олиш ва қабул қилишдан иборат.

Толерантликнинг ҳиссий-эмоционал компоненти биринчи навбатда, ҳамдардлик қобилятида намоён бўлади. Сухбатдошлар ўртасида ҳиссий мулоқотни ўрнатиш янада ишончли ва хавфсиз алоқа муҳитини яратишга ёрдам беради, шунингдек, қарама-қаршилик ва рақобатнинг кескинлашувини камайтиради. Толерантликнинг ҳиссий-эмоционал компоненти алоҳида аҳамиятга эга, чунки сухбатдошлар, ҳатто қарашлардаги тафовутлар бўлса ҳам, жамоада ишлаш, инсоний алоқалардаги бўшлиқни тиклаш имконини беради.

Толерантликнинг хулқ-атвор компоненти “толерантлик айсберги”нинг энг асосий компоненти ҳисобланиб, анъанавий равишда ташхис қўйишда ҳам, таълим жараёнида ҳам алоҳида эътиборни жалб қилади. Хулқ-атвор компоненти қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади: толерантликнинг намоён бўлиши ва нуқтаи назар сифатида ўз позициясини ҳимоя қилиш; бошқаларнинг баёнотларига толерантлик билан муносабатда бўлиш (диққат билан тинглаш ва бошқа одамларнинг нуқтаи назари ва баҳоларини қабул қилиш – тингловчиларнинг шахсий қарашларига мос келмаслик даражасидан қатъи назар); музокаралар олиб бориш ва турли хил одамлар билан ўзаро алоқа қилиш (муросага келиш); зиддиятли вазиятларда конструктив хулқ-атвор (нуқтаи назарлардаги фарқлар, фикрлар тўқнашуви).

Диссертациянинг **“Нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг этнопедагогик асослари”** деб номланган иккинчи бобида этнопедагогик материаллар асосида талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён мазмуни, модели ва шарт-шароитлари ёритиб берилган.

Талабаларда миллатлараро толерантликни тарбиялаш жараёнида этнопедагогика муҳим аҳамият касб этади. Академик Г.Волковнинг фикрича: “Кўп миллатли жамиятда этнопедагогик ғоялар ҳал қилувчи, ҳаттоки, халқларнинг тақдирини ҳам белгилаб беради. Этнопедагогика орқали глобал, умумбашарий, инсоний, маънавий ва ахлоқий кадриятларга йўл очилади... Шунинг учун этнопедагогика замонавий таълим жараёнининг мақсади ва мазмунини белгилаб берувчи муҳим омилдир”.

Этнопедагогика ижтимоий ўзаро таъсир жараёнини ўрганади. У орқали инсон тарбияланади, ривожланади, ижтимоий меъёрлар ва кадриятларни ўзлаштиради; талабаларнинг тарбиясига халқ оғзаки ижоди намуналари – эртақ, афсоналар, дostonлар, ривоятлар, кўшиқлар, топишмоқлар, мақол ва маталлар, миллий ўйинлар ижобий таъсир этади.

Миллатлараро толерантлик инсонлар, халқлар, маданиятлар, эътиқодлар, урф-одатлар, динлар ва мафкуралараро турли ижтимоий-сиёсий

муносабатларни мувозанатда саклаб туришда ўзига хос меъёр вазифасини бажаради. Педагогик нуқтаи назардан толерантлик жамиятдаги урф-одатлар, нутқ маданияти ва диний кадриятлар тизими доирасида инсон ахлоқига нисбатан қўйиладиган маълум этик-эстетик қонун-қоидалар мажмуи бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ҳозирги кунда дунёда мафкуравий таҳдидлар кучайиб бормоқда. Шу боис чет тилдан амалий машғулотларда тарбиявий аҳамият касб этган матнлардан фойдаланиш, ушбу таҳдидларга қарши кураша олиш, замонавий ғоявий хатарларнинг мазмун-моҳиятини англай олиш, шу билан бир вақтда талабаларда иммунитетни шакллантириш имконини беради.

Олий таълим муассасаларининг мактабгача таълим йўналиши 1-курс талабаларига немис тилини ўргатишда ака-ука Гриммларнинг “Der Froschkönig” эртагидан фойдаланилди. Машғулот ўтказиладиган хона эртак қаҳрамонларининг суратлари ва турли саволлар билан безатилди. Талабаларга бериладиган биринчи грамматик топшириқ қуйидагича кўринишга эга бўлди:


1. Берилган сўзлардан гап тузиш учун қайси феъл замонларидан фойдаланасиз? 2. Эртак давомида сифатнинг қандай даражаларига оид сўзларни кўпроқ танлаб оласиз? Шу ўринда талабаларга феълнинг Imperfekt-Präteritum (ўтган замон ҳикоя феъли) замон шаклининг ясаши ва унда феълларнинг тусланиши тушунтириб ўтилди.

Талабаларга эртакнинг биринчи қисми ўқиб эшиттирилди. Улар эртакни эшитиш жараёнида уларга берилган эртак парчасидаги тушиб қолган сифат сўз туркумига оид сўзларни нуқталар ўрнига қўйиб ёзиб бордилар. Бу эса талабаларда тинглаб-тушуниш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантиришга имкон яратади.

Кейинги босқичда эртакнинг иккинчи қисмидаги қаҳрамонларнинг сўзлари ролли-ўйин учун талабаларга бўлиб берилди, улар эса эртак қаҳрамонларининг сифатларини роль орқали ижро этадилар. Ушбу усул орқали талабаларда оғзаки нутқ ривожлантирилади, ҳижолат чекиш ва кўпчилик олдида гапира олиш коммуникатив кўникмалари шакллантирилди.

Сўнгги босқичда талабаларга эртакнинг қандай яқунланиши тўғрисида кичик хулоса ёзиш бўйича топшириқ берилди. Бу эса талабаларда ижодий фикрлаш ва ёзма нутқ кўникмаларини ривожлантиради.

Тадқиқот доирасида талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантириш жараёнлари модели ишлаб чиқилиб, у мақсадли, мазмунли-жараёнли ва натижавий блокларни ўз ичига олади (1-расмга қаранг).



1-расм. Талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантириш модели

Моделнинг мақсадли блоки таркибига таълимий тажриба-синов ишининг мақсади ва уни амалга оширишга имкон берадиган вазифалар киритилди. Мазмунли-жараёнли блокда толерантликни таркиб топтиришга йўналтирилган чет тилни ўқитиш жараёнини ташкил этиш тамойиллари,

талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантириш учун ахборотларнинг асоси саналган ўқув материаллари тизимини акс эттирди. Натижавий блокда талабаларда миллатлараро толерантликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонлари, даражалари ҳамда якуний натижа ўз ифодасини топди.

Талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантириш моделининг методологик асоси сифатида ўқув-билиш объектини яхлит жараён сифатида кўриб чиқиш имконини берувчи тизимли ёндашув белгилаб олинди.

Талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришга доир педагогик мақсадларни белгилаш учун қуйидаги асосларга таянилди: маданий қадриятларнинг ташувчиси ва истеъмомчиси сифатида талаба шахси; маданият, унга жамоатчиликнинг муносабати; таълимдаги толерант табиатнинг мезонлари ва манбалари; ўқитувчи шахсининг маданий ва инсонпарвар моҳиятга эгаллиги.

Мақсад маълум бир натижани олдиндан кўриш имконини яратади ва вазифалар унга эришиш учун кўрсатмалар беради. Шу нуқтаи назардан, мақсад сифатида когнитив, ҳиссий-эмоционал ва хулқ-атворга доир компонентлар бирлигини таъминлаш орқали талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш белгилаб олинди.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар аниқлаштирилди:

- нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш учун “Чет тил” фанидан этнопедагогик тавсифга эга ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштириш;

- ўқитувчи-талаба, талаба-талаба, талаба-маданият муносабатлари асосида диалогик муносабат маданиятини ривожлантириш, ўқув машғулотлари доирасида чет тил ва она тилидаги материалларни ўзаро чоғиштириш орқали ўзлаштирилишига эришиш;

- чет тилни ўрганиш жараёнида нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг продуктив, муаммоли-изланишли, креатив усулларида фойдаланиш, талабалар толерантлигига хос компонентларнинг намоён бўлишини талаб қиладиган муаммоли, шунингдек, шахснинг субъектив ўз-ўзини бошқаришга йўналтирадиган вазиятларни (низолли вазиятларни ҳал қилиш усуллари) қўллаш;

- миллатлараро толерантлик компонентларининг ўзига хосликларини тушуниш ва унга эришиш мақсадида талабаларнинг оммавий, гуруҳий ҳамда индивидуал ўқув фаолиятини уйғун тарзда ташкил этиш.

А.М.Байбаковнинг илмий ғояларига таянган ҳолда чет тил машғулотларида талабаларни маданий қадриятларга йўналтириш мақсадида турли лингвомаданий матнлар, шу билан бирга муҳокама учун қуйидаги мавзулар танлаб олинди: тили ўрганилаётган халқнинг турмуш тарзи, маданий стереотиплари, диний ва этник жамоаларнинг урф-одатлари; замонавий жамиятда маданиятлараро мулоқот маданиятини шакллантириш йўллари.

Тадқиқот доирасида “толерантлик” тушунчасининг таърифи ва компонентлар билан ўзаро мувофиқ келиши лозимлигини ҳисобга олган ҳолда миллатлараро толерантликнинг когнитив, ҳиссий-эмоционал ва хулқ-атворга доир мезонлари аниқлаштирилди.

Шунингдек, мезонларга мувофиқ, талабаларда миллатлараро толерантликнинг ривожланганлигини баҳолашнинг қуйидаги кўрсаткичлари белгилаб олинди:

1. Коғнитив мезон бўйича: фикрлаш ва баҳолаш жараёнида плюрализмнинг намоён бўлиши, стереотиплардан воз кечиш, нотўғри нуқтаи назарлар, қарашларнинг англанданлиги, мослашувчанлик ва кескин танқидий муносабатдан ўзини тийиш.

2. Ҳиссий-эмоционал мезон бўйича: ҳамдардлик, ҳиссий барқарорлик, хушмуомалалик, бағрикенглик, эмоционал сезгирлик, ачиниш ҳисси, соғлом фикрлаш, шахсий тажрибага эғалик.

3. Хулқ-атвор мезони бўйича: мулоқот жараёнида сабр-тоқатнинг намоён бўлиши ва ўз нуқтаи назари сифатида субъектив позициясини ҳимоя қилиш, бошқаларнинг фикрларига нисбатан толерант муносабатда бўлиш, музокара олиб бориш ва бошқа кишилар билан самарали мулоқотга киришиш, кескинлик ва истисно қилинган вазиятларда конструктив хатти-ҳаракатлар.

Ўқув жараёнининг барча босқичларида белгиланган талабларга мувофиқ миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг қуйидаги механизмларига устувор аҳамият қаратилди: талабалар учун кўп маданиятли таълим муҳитини яратиш ва янги мазмун билан бойитиб бориш; талабада ўзининг реал салоҳиятига ишончини орттириш; таълим субъектларининг маданий мулоқот “майдони”да ўзининг ўрни ва ролини белгилай олиши; диалогик муносабатлар маданиятининг ривожланганлиги.

Талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг самарадорлиги нафақат назарий моделда мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш, тажрибавий дастурни ишлаб чиқиш, балки самарали, мақбул комбинацияланган шакл, усул ва воситаларнинг оқилона танлаб олинишига боғлиқ. Тақдим этилган моделнинг таркибий асосларидан бири сифатида нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш усуллари муҳим аҳамият касб этиб, уларни танлашда қуйидаги қоидаларга асосланилди: танланган усуллар талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантириш самарадорлигини таъминлайди ва аниқ белгиланган вазифалар орқали чет тилни ўрганиш босқичларига мос келади; тақлиф этилган ўқитиш усуллари чет тил машғулотларда талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Моделни амалга ошириш жараёнини бошқаришда С.И.Архангельский томонидан тақлиф этилган қуйидаги босқичларга таянилди: биринчи – назорат объектини ўрганиш (объектнинг жорий ҳолатини аниқлаш учун ахборотларнинг тўғрилиги ва ҳолислигига эришиш). Мазкур тадқиқот доирасида нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликнинг ривожланганлик даражаси унинг компонентларини (когнитив, ҳиссий-эмоционал ва хулқ-атворга доир) ўзига хос хусусиятларига

устуворлик бериш орқали аниқлаштирилди; иккинчи – тажрибавий дастурини ишлаб чиқиш (“Чет тил” фанидаги ўқув материаллари мазмунини шахслараро муносабат, ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги самарали фаолияти, талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришга йўналтириш); учинчи – тажрибавий дастурни амалга ошириш (талабаларни ахборотларни мустақил излаб топишга ундаш, ахборотларни қайта ишлаш ва таҳлил этиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш, талабаларнинг толерантлик даражасининг ижобий динамикасига эришишни таъминлаш).

Чет тилни ўрганиш жараёнида талабаларнинг толерантлигини ривожлантиришда мулоқот ва педагогик жараёни ташкил қилишнинг интерфаол шакллари алоҳида эътибор қаратилди. Л.Н.Герасина фикрига кўра, юқори самарадорликка эришиш учун ўқув жараёнида коммуникатив вазиятларни яратиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи-талаба, талаба-талаба, талаба ва маданиятлар ўртасида ўзаро самарали мулоқот шаклини ўзида акс эттирадиган ўқув жараёнидаги коммуникация маълумотларни узатишнинг энг кенг тарқалган воситаларидан биридир. У ўзаро англашувнинг юқори даражаси, маълумотларни вербал ва невербал узатишнинг қулайлиги, вақтни тежаш билан тавсифланади. Ўқув жараёнини фаоллаштириш оммавий, жамоавий, гуруҳий коммуникация орқали таъминланади.

Чет тилни ўқитишнинг анъанавий амалиётида яратилган педагогик шарт-шароитлар хусусий мақсадлар билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишга тўлиқ имкон бермайди. Чунки мавжуд шарт-шароитлар талабалар ва ўқитувчининг ҳамкорлиги, ўқув жараёнида кўп маданиятли мулоқот каби муҳим хусусиятларга алоҳида эътибор қаратмайди. Шу сабабли нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш моделини амалга ошириш учун қуйидаги этнопедагогик шарт-шароитларга эътибор қаратиш лозим, деган хулосага келинди: ўқитувчининг этнопедагогик компетентлиги ва педагогик толерантлигининг юқори даражада эканлиги; ўқув жараёнида шахслараро мулоқотда миллатлараро толерантликни намоён этиш учун қулай вазиятларни яратиш; фаол ўқитиш усулларида мослашувчан тарзда фойдаланиш; миллатлараро толерантликни ривожлантириш жараёнида изчиллик ва узлуксизликни таъминлаш; тили ўрганилаётган мамлакат маданияти элементларини мустақил танлаш ва ўзлаштириш учун шароит яратиш, ўз маданияти ва бошқа халқлар маданияти доирасидаги мулоқотни ўқитиш амалиётига киритиш лозим; талабаларнинг турли маданий қадриятларга аксиологик муносабатини таркиб топтириш; аксиологик йўналганлик асосида ўз нуқтаи назарларини ўзгартиришга йўналтириш; коммуникатив ва конструктив муносабатлар доирасини изчил кенгайтириб бориш.

Диссертациянинг **“Нофилологик таълим йўналиши талабаларида миллатлараро толерантликни ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тажриба-синов ишларининг мақсади сифатида талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантириш модели ва этнопедагогик

шарт-шароитлари самарадорлигини баҳолашдан иборат этиб белгиланди. Тажриба-синов ишларида Қорақалпоқ, Термиз ва Наманган давлат университетларининг нофилологик таълим йўналиши талабаларидан 311 нафари иштирок этди.

Назорат гуруҳлари сифатида ҳар бир йўналишнинг 1-гуруҳлари (158 нафар), тажриба гуруҳлари сифатида эса 2-гуруҳлар (153 нафар) танланди. Тажриба-синов ишлари давомида ОТМлардаги ўқув жараёнининг ташкил этилишига ўзгартиришлар киритилмади, ўқув йили бошланишида қандай бўлса, шундай тарзда қолдирилди.

